



100095, Tashkent sh. Olmazor tum. 2-Chimboy ko'ch. 96  
Telefon: (998-71) 246-01-95. Faks: (998-71) 246-10-81

100095, Tashkent, Olmazor district, 2-Chimbay street, 96  
Phone: (998-71) 246-01-95. Fax: (998-71) 246-10-81

6.02.2019 № 84-02-206

**Олий таълим муассасалари  
ректорлари ва филиаллар  
директорларига**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3514-сон қарори ижросини таъминлаш, ички туризмни янада ривожлантириш, ёшларни мамлакатимизнинг туризм масканлари билан таништириш мақсадида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат кил” дастури доирасида Tourism challenge (Туризм чорлови) танлови эълон қилинган.

Шу муносабат билан, Сиз раҳбарлик қилаётган олий таълим муассасаси жамоаси (профессор-ўқитувчи, талаба-ёшлар ва ходимлар)нинг мазкур танловда фаол иштирокини (1 ва 2-иловага мувофиқ) таъминлаш тавсия этилади.

Шунингдек, танлов тўғрисидаги эълонни (3-илова) олий таълим муассасаси Веб-сайтига жойлаштириш орқали кенг камровли тарғибот-тушунтириш ишларини амалга оширишингиз сўралади.

Илова: 7 бет.

**Вазирнинг биринчи  
ўринбосари**



**О.Абдурахманов**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш  
давлат қўмитасининг 2018 йил 20 декабрдаги 219-П-сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.

**Tourism challenge (Туризм чорлови) танловини ўтказиш тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3514-сонли қарори ижросини таъминлаш, ички туризмни янада ривожлантириш, ёшларни мамлакатимизнинг туризм масканлари (маданий-тарихий мероси) билан таништириш мақсадида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида амалга оширилаётган Tourism challenge (Туризм чорлови) танловини ўтказиш тартибини белгилайди.

Танловни амалга ошириш натижалари ташкилотчилар томонидан қониқарли деб топилган тақдирда кейинги йилларда ҳам давом эттирилиши мумкин.

**II. Лойиҳани ўтказиш тартиби**

2.1. Танлов қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- Танловнинг махсус веб сайтини яратиш;
- Таълим муассасалари томонидан Ўзбекистон бўйлаб саёҳатларни ташкил этиш;
- Саёҳатлар давомида ҳар бир ҳудудда ўрнатилган махсус хариталарга танловнинг ҳудудлардаги бириктирилган маъсулларида олинган атрибутларни жойлаштириш;
- Саёҳатларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ва чорловлар (challenge) эълон қилиш;
- Мазкур Низомнинг 4.1. -бандига мувофиқ иштирокчиларни баҳолаш;
- Танлов натижаларини эълон қилиш;
- Ҳолиб бўлган таълим муассасалари жамоаларининг қўшни мамлакатлар ҳамда Ўзбекистон бўйлаб саёҳатларини ташкил этиш ва саёҳатлар давомида Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини кенг тарғиб этиш.

2.2. Ўзбекистон бўйлаб энг фаол саёҳат қилган ва ўз саёҳатларини самарали ёритиб берган ва Танлов ҳолиби деб топилган таълим муассасалари жамоалари лойиҳа ташкилотчилари томонидан рағбатлантирилади.

**III. Танловда иштирок этиш тартиби**

3.1. Танловда Республикадаги барча таълим муассасалари Ўзбекистон бўйлаб амалга оширган саёҳатларини ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб қилиш орқали иштирок этишлари мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиш учун таълим муассасалари тахсил олувчи ёшлар таълим муассасалари номидан махсус ишлаб чиқилган веб сайтда рўйхатдан ўтадилар ва танловда иштирок этадилар.

3.3. Танлов иштирокчилари уч гуруҳга ажратилади:

- умумий ўрта таълим мактаблари;
- касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар;
- олий таълим муассасалари.

#### **IV. Танлов ғолибларини аниқлаш ва уларни рағбатлантириш тартиби**

4.1. Танлов ғолиблари куйидаги мезонлар асосида аниқланади:

- саёҳатларни ташкил этиш даври (туризм мавсуми паст даврларга
- декабрь, январь, февраль, март устунлик берилади);
- саёҳатларнинг умумий масофаси;
- саёҳатлар маршрутларининг янгиллиги ва ўзига хослиги (креативлиги);
- саёҳатларнинг давомийлиги (кетма-кетлиги);
- саёҳатлар сони;
- саёҳатчилар сони;
- саёҳатларнинг ОАВда ёритилганлиги (сони ва ОАВ тури);
- саёҳатларнинг ижтимоий тармоқларда кенг тарқатилиши (қанча фойдаланувчи кўрганлиги);
- саёҳат даврида олинган фото сурат ва видео материалларнинг сифати.

4.2. Танлов ғолиблари Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва ҳамкор ташкилотлар томонидан рағбатлантирилади.

4.3. Танлов ғолиблари учта тоифага бўлган ҳолда (мактаб, касб-хунар, олий таълим муассасалари) тақдирланади:

1-ўринлар: Қўшни иккита давлатга 7 кунлик саёҳат учун 6 кишилик (саёҳатларни ташкил этишда энг фаол катнашган ва кенг ёритган иштирокчилар) йўлланма, ташаккурномалар ҳамда китоблар жамланмаси (100 дона);

2-ўринлар: Қўшни битта давлатга 5 кунлик саёҳат учун 6 кишилик (саёҳатларни ташкил этишда энг фаол катнашган ва кенг ёритган иштирокчилар) йўлланма, ташаккурномалар ҳамда китоблар жамланмаси (50 дона);

3-ўринлар: Ўзбекистоннинг 3 та шаҳрига 5 кунлик саёҳат учун 6 кишилик йўлланма, ташаккурномалар ҳамда китоблар жамланмаси (50 дона).

#### **V. Танловнинг молиялаштириш манбалари**

5.1. Танлов давомида таълим муассасалари ёшларининг саёҳатларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар иштирокчиларнинг ўз маблағлари, таълим муассасалари ёки ҳомийлар маблағлари ҳисобидан қопланади.

5.2. Танловни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалалар ҳамда ғолибларни тақдирлаш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги

бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва хомийлик маблағлари ҳисобдан копланеди.

## **VI. Танловнинг ўтказилиш муддатлари**

6.1. Танлов 2018 йилнинг декабрь ойида эълон қилинади ҳамда 2019 йилнинг апрель ойига қадар ўтказилади.

6.2. Танлов ғолиблари 2018-2019 ўқув йилининг сўнгида аниқланади ҳамда сўнги кўнғирок тадбирлари доирасида тақдирланади.

6.3. Танлов ғолибларининг кўшни мамлакатлар ҳамда Ўзбекистон бўйлаб саёҳатлари ёзги таътил кунларида ташкил этилади.

## **VII. Яқунловчи қоидалар**

7.1. Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар ёки жамоа (таълим муассасаси) лойиҳадан четлаштирилади.

7.2. Танлов Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда ташкил этилади.

## **Tourism challenge (Туризм чорлови) танлови ҳақида МАЪЛУМОТ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-3514-сонли қарори асосида тасдиқланган “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида Tourism challenge (Туризм чорлови) танловини (танлов ҳақида флаш анимацион эълон видеоролик ва маълумот илова қилинади) ташкил этилади.

Танловда мамлакатимиз таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи ва талабаларидан иборат жамоалар иштирок этишлари мумкин.

### **Танлов қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:**

1. Танловда иштирок этиш истагини билдирган ёшлар (таълим муассасаси номидан) танловнинг [www.tourchallenge.uz](http://www.tourchallenge.uz) веб сайти орқали рўйхатдан ўтадилар;

2. Саёҳатга борган ҳудудга боргач, танловнинг масъул вакилидан тегишли атрибутни (таълим муассасасининг рақами ёки номи ёзилган байроқ) оладилар ва танлов учун махсус тайёрлаган харитага жойлаштирадилар;

3. Шундан сўнг, харита ёнида ва туризм объектларида ўз жамоаси билан суратга тушиб, оммавий ахборот воситалари, шунингдек ижтимоий тармоқлар (facebook, instagram, telegram ва бошқалар) орқали чорлов йўллайдилар ва ўз саёҳатларини кенг ёритадилар;

Иштирокчиларнинг саёҳатлари ҳакамлар хайъати томонидан қуйидаги мезонлар асосида кўриб чиқилади:

- саёҳатларни ташкил этиш даври (туризм мавсуми паст даврларга - январь, февраль, март устунлик берилади);

- саёҳатларнинг умумий масофаси;

- саёҳатлар маршрутларининг янгилиги ва ўзига ҳослиги (креативлиги);

- саёҳатларнинг давомийлиги (кетма-кетлиги);

- саёҳатлар сони;

- саёҳатчилар сони;

- саёҳатларнинг ОАВда ёритилганлиги (сони ва ОАВ тури);

- саёҳатларнинг ижтимоий тармоқларда кенг тарқатилиши (қанча фойдаланувчи кўрганлиги).

- саёҳат даврида олинган фото сурат ва видео материалларнинг сифати.

Танлов ғолиблари 2018-2019 ўқув йилининг сўнгида олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари бўйича алоҳида аниқланади ва эълон қилинади.

### **Танлов ғолиблари қуйидагича тақдирланадилар:**

1-ўринлар: Қўшни иккита мамлакатга 7 кунлик саёҳат учун 6 кишилик (саёҳатларни ташкил этишда энг фаол қатнашган ва кенг ёритган иштирокчилар) йўлланма, фахрий ёрликлар ҳамда китоблар жамланмаси (100 дона);

2-ўринлар: Қўшни битта мамлакатга 5 кунлик саёҳат учун 6 кишилик (саёҳатларни ташкил этишда энг фаол қатнашган ва кенг ёритган иштирокчилар) йўлланма, фахрий ёрликлар ҳамда китоблар жамланмаси (50 дона);

3-ўринлар: Ўзбекистоннинг 3 та шаҳрига 5 кунлик саёҳат учун 6 кишилик йўлланма, фахрий ёрликлар ҳамда китоблар жамланмаси (50 дона) билан тақдирланади.

Батафсил маълумотларни [www.tourchallenge.uz](http://www.tourchallenge.uz) сайти ҳамда +998951933402 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

**Сиз Ўзбекистон бўйлаб саёхат қилишни ва бу саёхат орқали кўшни мамлакатлар ва мамлакат бўйлаб бепул саёхат йўлланмасини қўлга киритишни хоҳлайсизми? Унда бу танлов айнан Сиз учун!**

**Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси мамлакатимизда ички туризмни ривожлантириш, мамлакатимизнинг бой туризм салоҳиятини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида Tourism challenge (Туризм чорлови) лойиҳасини**

### **ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танловда мамлакатимиз таълим муассасаларида тахсил олаётган ўқувчи ва талабаларидан иборат жамоалар иштирок этишлари мумкин.

Танлов қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

4. Танловда иштирок этиш истагини билдирган ёшлар (таълим муассасаси номидан) танловнинг [www.tourchallenge.uz](http://www.tourchallenge.uz) веб сайти орқали рўйхатдан ўтадилар;

5. Саёхатга борган ҳудудга боргач, танловнинг масъул вакилидан тегишли **атрибути** (таълим муассасасининг раками ёки номи ёзилган байроқ) оладилар ва танлов учун махсус тайёрлаган **харитага жойлаштирадилар**;

6. Шундан сўнг, харита ёнида ва туризм объектларида ўз жамоаси билан **суратга тушиб, оммавий ахборот воситалари, шунингдек ижтимоий тармоқлар** (facebook, instagram, telegram ва бошқалар) орқали **чорлов йўллайдилар ва ўз саёхатларини кенг ёритадилар**;

Иштирокчиларнинг саёхатлари ҳакамлар хайъати томонидан қуйидаги **мезонлар** асосида кўриб чиқилади:

- саёхатларни ташкил этиш даври (туризм мавсуми паст даврларга - январь, февраль, март устунлик берилади);

- саёхатларнинг умумий масофаси;

- саёхатлар маршрутларининг янгилиги ва ўзига ҳослиги (креативлиги);

- саёхатларнинг давомийлиги (кетма-кетлиги);

- саёхатлар сони;

- саёхатчилар сони;

- саёхатларнинг ОАВда ёритилганлиги (сони ва ОАВ тури);

- саёхатларнинг ижтимоий тармоқларда кенг тарқатилиши (канча фойдаланувчи кўрганлиги).

- саёхат даврида олинган фото сурат ва видео материалларнинг сифати.

Танлов ғолиблари олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари бўйича алоҳида аниқланади ва эълон қилинади.

Танлов ғолиблари қуйидагича тақдирланадилар:

1-ўринлар: **Қўшни иккита мамлакатга 7 кунлик саёҳат** учун 6 кишилик (саёҳатларни ташкил этишда энг фаол қатнашган ва кенг ёритган иштирокчилар) йўлланма, фахрий ёрликлар ҳамда китоблар жамланмаси (100 дона);

2-ўринлар: **Қўшни битта мамлакатга 5 кунлик саёҳат** учун 6 кишилик (саёҳатларни ташкил этишда энг фаол қатнашган ва кенг ёритган иштирокчилар) йўлланма, фахрий ёрликлар ҳамда китоблар жамланмаси (50 дона);

3-ўринлар: **Ўзбекистоннинг 3 та шаҳрига 5 кунлик саёҳат** учун 6 кишилик йўлланма, фахрий ёрликлар ҳамда китоблар жамланмаси (50 дона) билан тақдирланади.

**Батафсил маълумотларни** [www.tourchallenge.uz](http://www.tourchallenge.uz) сайти ҳамда +998951933402 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

**Имкониятни қўлдан бой берманг!  
Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг!**

**Государственный комитет Республики Узбекистан по развитию туризма  
объявляет конкурс Tourism challenge**

**Вы бы хотели путешествовать по Узбекистану и получить возможность бесплатно путешествовать по всей стране, а также в соседние страны? Тогда это объявление именно для вас!**

В конкурсе могут участвовать команды из учеников и студентов, обучающиеся в учебных заведениях страны.

Конкурс включает в себя следующие этапы:

1. Участник регистрируется на сайте конкурса [tourchallenge.uz](http://tourchallenge.uz) (от имени учебного заведения);

2. Во время путешествия участники получают соответствующий атрибут (флаг с номером или названием учебного заведения) от ответственного представителя конкурса и размещают его на карте Узбекистана, специально подготовленной для конкурса. Место размещения: родной город или область участника;

3. После этого необходимо сделать фотографию со своей командой рядом с картой и туристическими объектами и выложить фото в социальных сетях (Facebook, Instagram, Telegram и др);

Туры участников будут рассматриваться со стороны жюри по следующим критериям:

- период организации путешествий (для периода низкого туристического сезона - январь, февраль, март является преимуществом);
- протяженность маршрута;
- особенность маршрута (новые маршруты);
- длительность маршрута;
- количество поездок;
- количество путешественников;
- освещение путешествий в СМИ (количество и виды СМИ);
- широкое распространение в социальных сетях (количество просмотров);
- качество фото и видеоматериалов, снятых во время путешествий.

Победители конкурса определяются и объявляются отдельно по учебным заведениям: ВУЗам, академическим лицам, профессиональным колледжам и средним общеобразовательным школам.

Победители конкурса будут награждены следующим образом:

1-место: Путёвка на 6 человек (самые активные участники в организации и широком освещении путешествия) для 7-дневной поездки в 2 соседние страны, похвальные листы и коллекция книг (100 штук);

2-место: Путёвка на 6 человек (самые активные участники в организации и широком освещении путешествия ) для 5-дневной поездки в 1 соседнюю страну, похвальные листы и коллекция книг (50 штук);

3-место: Путёвка на 6 человек для 5-дневной поездки в 3 города Узбекистана, похвальные листы и коллекция книг (50 штук).

**Подробную информацию можно получить на сайте [www.tourchallenge.uz](http://www.tourchallenge.uz) а также по номеру телефона +998951933402.**

**Не упустите свой шанс!  
Путешествуйте по Узбекистану!**